



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ХАЛҚАРАВИЙ ИҚТИСОДИЙ
Суд

Бухоро тумани 2022 й 10-октябрь 4-2001-2204/3040-сонли иш

Бухоро туманлараро иқтисодий суди, судья А.Сафаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Қ.Қўзиёвнинг котибалигида, аризачи вакили З.Равшанов (ишончнома ва буйруқ асосида)нинг иштирокида, аризачи Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармасининг жавобгар “Barrel man oil group” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган ишни ўз биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИ:

Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармаси (бундан буён матнда ДСБ деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, “Barrel man oil group” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан 22.188.402,16 сўм миқдорда молиявий жарима қўллашни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган ДСБ вакили аризани қувватлаб, ундаги асослар ҳамда важларни такрорлаб, судга ариза билан мурожаат қилинганидан сўнг ҳам жавобгар томонидан арз қилинган талаб бартараф этилмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантириб беришни сўради.

Жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсада, вакил иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 220-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодекста белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди. Қайд этилганларга кўра, суд ишни ИПКнинг 220-моддасига асосан жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, ДСБ вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ариза ва иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2022 йил 1 октябрдаги ҳамда ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими маълумотларига асосан жавобгар билан хориждаги ҳамкори Ghazanfar Neft & Gaz DMCC ўртасида тузилган экспорт шартномалари бўйича жами 20.349,49 АҚШ доллари



миқдоридаги муддати ўтган дебитор қарздорлиги 2022 йил 1 сентябрда вужудга келган бўлиб, ушбу суммадаги қарздорлик 360 кундан 545 кунгача кечиктирилган.

Protected by PDF Anti-Copy Free

Жавобгарнинг жами 20.349,49 АҚШ долларини миқдоридаги дебитор қарздорлигининг 10 фоизи – 2.030,95 АҚШ долларининг миллий валютадаги курси бўйича 22.188.402,16 сўм миқдоридаги молиявий жаримани тўлаб бериш ҳақида ДСБ томонидан жавобгарга таълим юборилган.

Аммо, ҳисобланган молиявий жаримни жавобгар томонидан ихтиёрий тўланмаганлиги сабабли ДСБ судга ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низоми (бундан буён матнда Низом деб юритилади)нинг 23-бандига кўра, товарларни республикага олиб кириш ва «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштириш, шунингдек, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Низомнинг 24-бандига кўра, экспорт контрактлари бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарларга нисбатан — «экспорт» божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан ва хизматларга (ишларга) нисбатан — бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари оқибатида ташқи савдо операциялари бўйича мажбуриятларни бажариш имконияти бўлмаганда, форс-мажор ҳолатлари юз берган давлатнинг ваколатли органи тасдиғига мувофиқ, ушбу ҳолатларнинг амал қилиш муддати мобайнида мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлик учун жавобгарлик белгиланмайди. Олиб чиқиш контрактлари бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарлар реэкспорт божхона режимига расмийлаштирилган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Низом 27-бандига кўра, Ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 24¹-бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин кўпи билан 45 кун (кичик тадбиркорлик субъектлари учун — 90 кун) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар:

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 5 фоизига тенг миқдорда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кундан 545 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда қолган қисмига тенг миқдорда;



активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 545 кундан ортиқ кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 36 фоизидан ортиқ миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

Куйидаги ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларга ташқи савдо операциялари бўйича муддат ўтган дебитор қарздорлик учун жарима қўлланилмайди:

жарима қўллаш тўғрисида бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар «Валюта қўлланма»га солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонуни](#) талабларига мувофиқ репатриация қилинган активлар суммасига нисбатан;

асбоб-ускуналарни ва (ёки) бутловчи қисмларни етказиб бериш муддатлари уларнинг техник тавсифларига ҳамда ўзига хос хусусиятига қараб бир юз саксон кундан ортиқ этиб белгиланган импортга оид контрактлар бўйича етказиб бериш муддати даврида;

транспортда ташиш ёки сақлаш чоғида тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра яроқсиз ҳолатга келган товарлар давлат органлари томонидан йўқ қилинганлигини ёхуд мусодара қилинганлигини тасдиқловчи ваколатли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилган тақдирда;

айни бир қарздорлик предмети ва товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) амалдаги экспорт ва импорт ҳажми бўйича такрорий жарималар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида тузилган импортга оид контрактларда ёки маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларни амалга ошириш доирасида бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган импортга оид контрактларда белгиланган муддатлар бузилмаган бўлса;

экспорт операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг умумий суммаси муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келган санадан олдинги 36 ой давомида таъминланган валюта тушумининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳолатларда.

Юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резидентининг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жарима санкцияларини ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сонли қарорининг 10-бандида 2021 йил 1 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилиши, 2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо



операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилиши ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари билан бўлган майдан бошқорувчи янгидан ҳисобланиши белгиланган.

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Низом талабларидан келиб чиқиб ва ушбу қарорга мувофиқ, жавобгар 10 фоиз, яъни 2.030,95 АҚШ доллар сўмдаги эквивалентида 22.188.402,16 сўм сўм миқдоридан республика бюджетига омадига жарима тўлаши лозим.

Мазкур экспорт контракти бўлиб жавобгар 20.309,49 АҚШ доллари миқдоридан 360 кундан 545 кунгача эстирилган муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган. Ушбу ҳолат юқорида қайд этилган ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимининг маълумоти билан тасдиқланади.

Арз қилинган талаб асосли бўлганлиги ва иш ҳужжатлари билан тасдиқланганлиги сабабли суд аризани қаноатлантиришни, жавобгарга нисбатан 22.188.402,16 сўм сўм миқдорда молиявий жарима қўллашни лозим топади.

Низом 28-бандининг ўн биринчи қисмига кўра, молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг 90 календарь кун ичида ва уни шу муддат ичида ижро этиш пайтида аризада кўрсатилган ташқи савдо контрактлари бўйича тўлиқ миқдорда валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда — иш юритиш тугатилади ва мажбурий ундириш бўйича кўрилган барча чоралар бекор қилинади (давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан), шунингдек, ундирилган жарималар хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси асосида банк ҳисобварағига қайтариб берилади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Шу сабабли суд, тарафларнинг давлат божи тўлашдан озод эканлигини инобатга олиб уни ундирмасликни, шунингдек олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати жавобгардан ДСБ фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда ИПКнинг 118, 176-179, 186, 220 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Ариза қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Barrel man oil group” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 йлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари



амалга оширилиши мониторингини олиб бориб ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан 22.188.402,16 сўм миқдорда молиявий жарима қўлланилсин ва унинг ундириши Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармаси зиммасига юклансин.

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Тарафларнинг давлат божи тўлшдан озод эканлиги инобатга олинсин.

Жавобгар “Barrel man o’qup” масъулияти чекланган жамиятидан аризачи Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармаси фойдасига олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажати тўлаштирилсин.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик қонуний кучга киради ҳамда почта харажатини ундириш бўйича ижро варақаси берилади.

Ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Бухоро вилоят судига ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

А.Сафаров

